*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 17 (8507). ● 23 январь, 1985 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

22 январда Тошкент область партия комитетининг VII пленуми бўлиб ўтди.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди.

М. М. Мусахонов пенсияга чиққанлиги муносабати билан илтимосига биноан пленум уни Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод этди. Партия ва совет органларида самарали ишлаганлиги учун унга миннатдорчилик билдирилди.

Илгари халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети раиси вазифасида ишлаб келган Т. А. Алимов Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

Пленум илгари Фарғона область партия комитетининг секретари вазифасида ишлаб келган А. Б. Саидхўжаевни Тошкент область партия комитети составига киритди ва область партия комитетининг бюро аъзолигига сайлади.

Пленум илгари Воронеж область партия комитети бўлим мудири вазифасида ишлаб келган А. Ф. Клепиковни Тошкент область партия комитети составига киритди ва область партия комитети бюроси аъзолигига сайлади.

Х. У. Умаров пенсияга чиққанлиги муносабати билан пленум уни область партия комитети бюросининг аъзоси вазифасидан озод этди.

Пленум «1985 йил планлари ҳамда социалистик мажбуриятларини бажариш ва КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Бу ҳақда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми директори Н. И. Гусаков, Октябрь революцияси номли завод электр слесари Т. Ф. Чередникова, Беруний номидаги Тошкент политехника институти ректори Қ. С. Аҳмедов, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз раиси А. А. Абдухолиқов, Ғалаба район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Т. Толипов қатнашдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**(Пленум иши тўғрисидаги ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).**

# КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

*Янги рубрика:* МАЖБУРИЯТЛАРНИ ҚАНДАЙ БАЖАРМОҚЧИСИЗ?

## ТЕХНИКАНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ АСОСИДА

Коллективимиз ўтган хўжалик йилини меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан якунлади. Ишлаб чиқаришнинг барча бўғинлари янада такомиллашди, қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқариш кўпайди ва сифати яхшиланди. Меҳнат унумдорлиги пландагидан ташқари бир процент оширилиб, маҳсулот таннархи қўшимча 0,52 процент камайтирилди. Топшириқдагига қўшимча реализация қилинган маҳсулот миқдори 2 миллион сўмликни ташкил этди. Мамлакатимиз пахтакорларига белгиланганидан ташқари 70 та трактор, 50 та прицеп, 119 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб берилди. Пландан ташқари 113 минг сўмлик кенг истеъмол товарлари тайёрланди. Коллективимиз бундай ютуқларни қўлга киритиш учун бутун тажрибаси, маҳорати ва билимини сарфлаб ишлади.

Лекин шу кунларда барча ишчи-хизматчиларимиз келажак ҳақида, бундан кейинги меҳнатимизнинг янада самарали бўлиши ҳақида кўпроқ қайғурмоқдалар. Коллективимиз янги юксак ишлаб чиқариш марраларини белгилади.

Тракторсозларимиз партия XXVII съезди, совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги шонли Ғалабасининг 40 йиллигини ва стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун барча резерв ва имкониятларни ишга солишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича йиллик планни 28 декабргача бажариш, пландагидан ташқари 500 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш, ишлаб чиқариш ўсишининг 92 процентини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминлашга азму қарор қилдилар. Айни вақтда ҳар бир ишлаб чиқаришда тежамкорликка алоҳида эътибор берилади.

Эл-юрт олдида берилган бу ваъдани муваффақиятли бажариш учун аввало техника тараққиётини жадаллаштириш режаларини туздик. Йил давомида ишлаб чиқаришни қайта ускуналаш, турли жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш бўйича тадбирлар комплекси амалга оширилади. Янги техника бўйича 300 та тадбир жорий этилади. Бу 150 ишчи кучини тежаш имконини беради. Иш ўрнини аттестация қилиш бундан буён ҳам давом эттирилади. Биз йил давомида 910 иш ўрнини такомиллаштирамиз. Бунинг натижасида 90 ишчи бошқа юмушларни бажаришга ўтказилади.

Мажбуриятларни тўла бажариш учун меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган бошқа ишлар ҳам давом эттирилади. Айниқса, бригада формалари янада оммалашади. Бу йил ишлаб чиқариладиган жами маҳсулот ҳажмининг камида 90 проценти бригадаларга бирлашган тракторсозлар томонидан тайёрланишига эришилади.

Корхонани кенгайтириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш ва янгилари самарасини ошириш йўлидаги изланишлар янада кучайтирилади. Биз бу йил Ленинскдаги прицеплар заводида янги қувватларни ўзлаштирамиз. Трактор прицеплари кузовининг ҳажми кенгайтирилади. Бундан ташқари янги Т 28х4 МА маркали тракторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Пахтачилик учун мўлжалланган 100 от кучили тракторларнинг дастлабки партияси тайёрланади.

Коллективимиз бу йилдан бошлаб иқтисодий эксперимент шароитларида ишлай бошлайди. Бу янгилик туфайли корхоналарга берилган ҳуқуқларнинг кенгайтирилиши шубҳасиз коллективимиз ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг янада яхшиланишига ёрдам беради. Ҳеч шубҳа йўқки, тракторсозларимиз якунловчи йил учун олган социалистик мажбуриятларини тўла ва ошириб бажарадилар.

**А. ВОРГУДЯЕВ,**
СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

## РАЙОНДА ЭНГ ЮҚОРИ

Надежда Папелева сўнгги ўн кунлик якуни бўйича яна соғувчилар ўртасидаги мусобақада ғолиб чиқди. У қарамоғидаги 23 бош соғин сигирнинг ҳар биридан кунига ўртача 8—9 килограммдан сут соғиб олишга эришди. Илғор соғувчи шарафига фермада шон-шуҳрат байроғи кўтарилди. Ғалаба районидаги Энгельс номли колхозда чорвадорлар ўртасидаги социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Бунга ҳар ўн кунда якун ясалиб, ғолиблар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириб борилади. Шунинг учун колхозда кунлик кўрсаткичлар район бўйича энг юқори бўлаётир.

Хўжалик чорвадорлари 1984 йилда эл дастурхонига 147 тонна гўшт, 274 тонна сут, 105,5 минг дона тухум етказиб бериб, бу борадаги план ва социалистик мажбуриятларни ошириб бажаришди. Ҳар бош соғин сигирдан пландаги 3200 килограмм ўрнига 3400 килограммдан сут соғиб олинди.

Бу муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш учун курашаётган чорвадорлар айни кунларда ҳам қорамоллар маҳсулдорлигини ёздагидек юқори бўлишига эришмоқдалар.

**А. АБДУСАМАТОВ.**

ҚИШЛОВ—СИНОВ

## ҲАМКАСБЛАР АҲДИ

Бош чўпон Қўзивой ака Толибоев ўн бир йилдан бери қўй-қўзилар ортидан яйлов кезади. У айни кунларда ҳамкасби Асил Йўлдошев билан ҳамкорликда ўз қарамоғидаги 539 бош қўйни қишловдан беталафот олиб чиқиш учун куч-ғайратини аямаётир.

— Отаримиздаги қўйларнинг 315 бошини совлиқлар ташкил этади,— дейди тажрибали чўпон.— Биз қўзилатиш даврида ҳар юз бош қўйдан 115 тадан қўзи олишга сўз берганмиз. Бундан ташқари, давлатга 1170 килограмм аъло сифатли жун топширишни мўлжаллаб турибмиз.

Чўпонлар ваъдаларига вафо қилиш учун айни кунларда қўйларни қўшимча озуқалар билан озиқлантирмоқдалар. Қўтонларда қулай шарт-шароит яратиш, қўйларнинг семизлигини йўқотмаслик учун мутахассислар билан бамаслаҳат иш юритмоқдалар.

Паркент районидаги «Соҳибкор» совхозида Қўзибой Толибоевнинг издошлари кўплаб топилади. Жумладан, Абдуғани Юсупов ва Қолдибой Бошназаровлар ҳам ҳамкасбларидан ортда қолмай меҳнат қилаётирлар.

**Т. НИШОНОВ.**

## ЭКИШГА ТАХТ

Пискент районидаги Охунбобоев номли колхозда мавжуд машина ва механизмларни мавсумга тайёрлаш ниҳоясига етди. 40 та чопиқ, 20 та ҳайдов трактори, 26 та пахта териш машинаси, 21 та тележка, 170 та борона ва чизеллар сифатли ремонтдан чиқарилди.

Хўжаликда ҳар йили ҳам дала ишлари тугаши билан мавжуд машина ва механизмлар ремонтига киришилади. Бунинг учун махсус группалар тузилган. Улар ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилиб, юқори натижаларга эришмоқдалар.

Турсунбой Абдуаҳатов, Абдураим Абдусаматов, Қаҳрамон Ҳамдамов, Солижон Сўфиёнов сингари механизаторлар ўзларига бириктилган техникаларни ўз вақтида ремонтдан чиқариб, барчага ибрат бўлишди.

— Айни кунларда,— дейди колхоз бош инженери Минавар Исомов,— тажрибали механизаторлар ва мутахассислардан ташкил этилган махсус комиссия ремонт сифатини кўздан кечирмоқда. Агарда ремонт ишларида бирон камчиликка йўл қўйилган бўлса, дарҳол унинг олди олинади. Натижада дала ишлари айни қизиган паллада механизмлар панд бермай, юксак унум билан ишлатилади.

Хўжаликда кузги-қишки тадбирлар юзасидан белгиланган бошқа ишлар ҳам кўнгилдагидек бажарилмоқда. Далаларга ўғит ташиб чиқариш, суғориш шохобчаларини тозалаш қизғин бораётир.

**Қ. ҚОДИРОВА.**

## НОВАТОР ИШЧИЛАР ҚЎМАГИДА

БЕКОБОДДАГИ металлургия заводида корхонанинг автоматлаштириш ва механизациялаштириш марказий лабораторияси коллективи мураккаб жараёнларни такомиллаштиришда яхши тажриба орттирган. Лаборатория инженер-техник ходимларининг 1985 йилги иш планлари ҳам анча тиғиз. Йил давомида янги цехларда муайян потокларни автоматлаштириш, робот техникасидан фойдаланишни йўлга қўйиш билан бирга бир неча цехларда янги автоматларни ишга тушириш планлаштирилган. Жумладан, мартен цехида печни ўчирмаган ҳолда печлар тагида ҳосил бўладиган шлакни автомат тарзда тозалаш қурилмаси синаб кўрилиши керак. Бундан ташқари шу ернинг ўзида инженер А. Шептюк лойиҳасига кўра қолипларга қумни механик тарзда ташиш ва тушириш мосламалари илк бор ишлатиб кўрилиши зарур.

Ана шу янгиликларни амалга оширишда ва рационализаторлик таклифларни киритишда инженер-техник ходимлар билан бир қаторда завод ишчилари ҳам актив иштирок этмоқдалар. Созловчи Р. Бурганов, илғор ишчилар Э. Мустафоев, В. Баришев, йиғувчи-слесарь Р. Тенлар энг актив рационализаторчи деб топилганлиги фикримизнинг далилидир.

**М. АЛИМОВ.**

## МУСТАҲКАМ ФРЕЗЛАР

Тошкент асбобсозлик заводида янги фрезлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бундай фрезлар ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашининг ягона стандартлари асосида ишлаб чиқарилмоқда. Демак улар социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида тайёрланган барча станокларга тўғри келади. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг махсус қуймаларидан ишлаб чиқариладиган Тошкент фрезлари пишиқлиги ва мустаҳкамлиги билан ажралиб туради.

(ЎзТАГ).

## БУТУНИТТИФОҚ ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ

21 январь куни Москвада Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг 67 йиллигига, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган мудофаа-оммавий ишлар Бутуниттифоқ ойлиги бошланди.

Ойлик давомида касаба союз, Ленин комсомоли ташкилотлари ва мудофаа жамияти партия органлари раҳбарлиги остида ўз куч-ғайратларини меҳнаткашларни, ёшларни Коммунистик партия, совет халқи ва СССР Қуролли Кучларининг қаҳрамонона анъаналари руҳида тарбиялашни янада такомиллаштиришга, аҳолининг кенг табақаларини ҳарбий ишни ўрганишга жалб этишга сарфлайдилар.

(ТАСС).

## ОЛИМЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН ЁРДАМЧИСИ

**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий приборсозлик марказий лойиҳа-конструкторлик технология бюросининг мутахассислари ҳароратни автомат тарзда бошқариб турадиган қурилма яратдилар. Қурилма махсус термостатли комплексда бўлиб, турли ярим ўтказгичларни тадқиқ этиш учун мўлжалланган. Янгилик кенг кўламда ҳарорат режимини ўзгартира олади. Қурилмадан фойдаланиш тадқиқотлар сифатини ошириб, натижаларнинг аниқ-пухта бўлишини таъминлайди.**

(ЎзТАГ).

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

**22 январда халқ депутатлари Тошкент область Советининг XIII сессияси бўлиб ўтди.**

**Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди.**

**Т. А. Алимов Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланганлиги муносабати билан сессия уни халқ депутатлари область Совети ижроия комитети раиси вазифасидан озод этди.**

**А. Б. Саидхўжаев халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети раиси вазифасини бажарувчи қилиб тасдиқланди.**

**Х. У. Умаров пенсияга чиққанлиги муносабати билан сессия уни халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод этди.**

**А. Ф. Клепиков халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи қилиб тасдиқланди.**

**Сессияда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов нутқ сўзлади.**

## ЯКДИЛЛИК ВАЗИЯТИДА

24 ФЕВРАЛЬ — Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар куни

Республикада ўтаётган округ сайловолди кенгашларида Тошкентдаги «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр слесари **Анатолий Александрович Легачёв,** Тошкент бош кийим фабрикасининг тикувчи-мотористи **Ҳабиба Каримовна Баратбоева,** Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий Округи штабининг бошлиғи, округ қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари **Юрий Александрович Гусев,** Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси **Раҳматулла Ҳамидуллаевич Абдуллаев,** Ўзбекистон ССР Социал таъминот министри **Ҳосият Ёқубжонова,** ёзувчи **Раҳматулла Отақўзиев** (Уйғун) Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганликлари якдиллик билан қўллаб-қувватланди.

(ЎзТАГ).

## ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОД БИЛАН УЧРАШУВ

107-Гулистон сайлов округининг сайловчилари 22 январь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига ўзлари кўрсатган номзод — Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати Мунавар Исоқова билан учрашдилар.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози раисининг ўринбосари И. Файзиев йиғилиш аҳлига мурожаат қилиб, сайлов куни ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, халқ зиёлиларининг энг яхши вакиллари учун якдиллик билан овоз беришга даъват этди. У М. Исоқова қадрдон хўжалик фермасида йигирма йилдан кўпроқ вақтдан буён меҳнат қилиб, меҳнатда ўрнак кўрсатаётганлигини, орттирган тажрибасини ёшларга ўргатаётганлигини, бир неча чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати эканлигини айтди.

Учрашувда сўзга чиққан академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта илмий ходими М. Раззоқов, 33-ўрта мактаб ўқитувчиси Б. Маҳкамов, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг механизатори М. Аҳмаджонова ва бошқалар қишлоқ меҳнаткашлари сайлов куни жонажон Коммунистик партия теварагида маҳкам жипслашганларини янги куч билан намойиш этадилар, КПСС XXVII съездини, совет халқи фашизм устидан қозонган Ғалабанинг шонли қирқ йиллигини меҳнатда салмоқли ютуқлар билан кутиб оладилар, дейишди.

М. Исоқова сайловчиларга сидқидилдан миннатдорчилик билдириб, сизларнинг юксак ишончингизни оқлайман, деб ваъда берди.

Учрашув қатнашчилари ўзлари депутатликка кўрсатган номзодга наказлар беришди.

(ЎзТАГ).

# ЖИПСЛИК ВА БИРЛИК

**Республика сайлов кампанияси сиёсий активлик ва меҳнат активлиги жўш урган бир вазиятда давом этмоқда. Округ сайлов комиссияларининг мажлисларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар рўйхатга олинмоқда.**

22 январь куни Қаршида 211-Қарши сайлов округи сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди.

Мажлисни комиссия раиси А. П. Пардаев очди. У «Эскиангарканалстрой» тресги Қашқадарё механизациялаштирилган кўчма колоннасининг меҳнатчилари ўзларининг сайловолди йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Иномжон Бузрукович Усмонхўжаевни республика давлат ҳокимияти Олий органи депутатлигига номзод этиб кўрсатганликларини маълум қилди. Округдаги кўпгина меҳнат коллективлари шу номзодни қўллаб-қувватладилар. И. Б. Усмонхўжаев мана шу округдан овозга қўйилишга розилик берди.

Округ сайлов комиссияси **Иномжон Бузрукович Усмонхўжаевни** 211-Қарши сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди.

**87-Новая жизнь** сайлов округининг округ сайлов комиссияси Тошкент областидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалигининг тракторчи звено бошлиғи **Энвер Алиевни** шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олди.

**416-Марғилон** сайлов округи сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Оқил Умурзоқович Салимовни** шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олишга қарор қилинди.

**19-Красний Восток** сайлов округи сайлов комиссиясининг мажлисида Тошкент экскаватор заводининг токари **Раиса Тарасовна Виприцкая** шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

**13-Пушкин** сайлов округи сайлов комиссиясининг мажлисида шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари **Тимофей Николаевич Осетров** рўйхатга олинди.

**72-Янгийўл** сайлов округининг сайлов комиссияси Янгийўл пойабзал фабрикасининг ишчиси **Арзихон Икматовани** шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

**155-Маданият** сайлов округи сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси **Ғайрат Ҳамидуллаевич Қодиров** шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинди.

**95-Бордонкўл** сайлов округининг округ сайлов комиссияси шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб Тошкент область Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози правлениесининг раиси **Ман-Гим Григорьевич Хванни** рўйхатга олди.

**332-Оқтош** сайлов округи округ комиссиясининг мажлиси бўлди. Комиссия Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **Раъно Хабибовна Абдуллаевани** шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олишга қарор қилди.

Тошкент область Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозининг аъзоси **Қутби Жўраева 82-Искандар** сайлов округи сайлов комиссиясининг мажлисида шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

**487-Беруний** сайлов округи комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **Ережеп Айтмуратович Айтмуратовни** шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**48-Горький** сайлов округининг округ сайлов комиссияси В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесари **Назрилла Манноповни** шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **Иван Георгиевич Анисимкин** 70-Ленин сайлов округи комиссиясининг қарори билан шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинди.

**91-Қатортол** сайлов округи округ сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Тошкент областидаги «Қорасув» совхозининг бригадири **Асқар Собирович Раҳмонбердиевни** шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи **274-Жўмашўй** сайлов округи комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Виктор Константинович Михайлов** республика давлат ҳокимияти Олий органи депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

**32-Қорақамиш** сайлов округининг округ комиссияси «Главташкентстройга» қарашли «Жилстрой» трестининг пайвандловчиси **Светлана Васильевна Рибаковани** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олди.

**39-Сергели** сайлов округи округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси **Қудратилла Аҳмедович Аҳмедов** шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

**415-Маориф** сайлов округидан округ сайлов комиссияси Марғилондаги «Атлас» аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси **Абдуваҳоб Хабибуллаевни** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатдан ўтказди.

**390-Крестьянский** сайлов округи округ сайлов комиссияси Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **Виктор Григорьевич Духанинни** шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Фарғона областидаги «Фарғона» совхозининг бригадири **Нажмиддин Анорбоев 450-Аввал** сайлов округининг округ комиссияси мажлисида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинди.

**375-Вахшивар** сайлов округи округ комиссиясининг мажлиси бўлди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **Бектош Раҳимович Раҳимов** шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатдан ўтказилди.

**349-Советобод** сайлов округи комиссиясининг мажлисида Самарқанд областидаги «Ленинчи чорвадор» совхозининг катта чўпони **Рамазон Усмонов** шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

**38-Карбишев** сайлов округи округ комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **Сайёра Умаровна Султоновани** шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**334-Маркент** сайлов округининг округ комиссияси Самарқанд область Нарпай районидаги «Ўзбекистон» колхозининг бригадири **Розия Аҳмедовна Маҳмудовани** шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **Акром Рустамович Хўжаев 345-Боғизағон** сайлов округи округ комиссиясининг қарорига биноан шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

**147-Оржоникидзе** сайлов округидан округ сайлов комиссияси Андижон область Ленин районидаги «Социализм» колхозининг бузоқбоқари **Ҳамидахон Ҳожибековани** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

Республика Олий Совети депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш давом этмоқда.

(ЎзТАГ).

